Юридик истеъмолчилар учун электр энергияси таъминоти
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "31" 01 310227 сон Жума шаҳри
(шартнома тузилган жой)

Сам ҳ ЭТК АЖ. Пастдарғом ЭТК
(кейинги ўринларда
(худудий электр тармоклари/ёки электр таъминот корхонаси номи)
"Корхона" деб юритилади) нинг Низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
А. Кандахаров бир тарафдан ва
(худудий электр тармоклари/ёки электр таъминот корхонаси рахбарининг Ф.И.Ш.)
Пастдарғом ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб
(истеъмолчи рахбарининг Ф.И.Ш.)
юритилади), тизимдаги шахсий ҳисоб рақами - Б. Джурaев иккинчи тарафда ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Корхона уланган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) етказиб бериш, Истеъмолчи эс истеъмол килинган ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: актив _____кВт.с., реактив _____кВт.с.ни ташкил килади.

2.2. Шартнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи_____ тариф(лар) бўйича _____сўмни ташкил қилади
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017й.даги ПК-3379 билан тасдиқланган Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва алоҳида хизматлар кўрсатадиган истеъмолчилар тарифи (кераклисини тагига чизилсин).

2.3 Истеъмолчига етказиб бериладиган йиллик энергия ҳажмининг ойлик тақсимоти мазкур Шартноманинг 1-иловасида келтирилган.

2.4. Корхона етказиб берилган ва Истеъмолчи томонидан тўланиши лозим бўлган энергиянинг ҳақиқий миқдори мазкур Шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган энергиянн ҳисобга олиш приборлари (кейинги ўринларда "Ҳисоблаш приборлари" деб юритилади) кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми _____кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017й.даги ПК-3379 билан тасдиқланган Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва айрим хизматлар кўрсатадиган истеъмолчилар тарифи бўйича [illegible] оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчиларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) билан ҳисоб-китоблар сутка вақтлари зоналар бўйича табақалаштирилган тарифга асосан олиб борилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги вақтларда етказиб берилган Энергия учун амалга оширилади:

ярим тиғиз давр – сутканинг ёруғ вакти (9-00 дан 17-00 гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тиғиз давр – эрталабки ва кечки максимумлар (ягона электр энергетика тизимининг максимал юкламалари соатлари: эрталабки максимум – 6-00 дан 9-00 гача, кечки максимум – 17-00 дан 22-00 гача) – ўрнатилган тарифдан 1,5 юқори коэффициент қўлланган тариф бўйича;

тунги давр – сутканинг қоронғу вакти (минимал юклама соатлари: 22-00 дан 24-00 гача ҳамда 00-00 дан 06-00 гача) – ўрнатилган тарифдан 1,5 паст коэффициент қўлланган тариф бўйича.

Ўрнатилган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун мўлжалланган бир ставкали тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар бир ставкали тарифга асосан олиб борилади.

Электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатида назарда тутилган, 750 кВАгача кувватга уланган, маҳсулот ишлаб чикарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар Ҳукумат қарори билан белгиланган тарифга мувофиқ амалга оширилади.

3.3. Мазкур Шартномага мувофиқ етказиб берилган Энергия учун Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.4. Ҳар ой, ҳисоб-китоб даври якунига кўра, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси Бош [illegible]куратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) [illegible]или билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва мазкур Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ ҳисобот тайёрлайди.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоклари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алокаси оркали "30" гача бўлган муддатда тақдим этилган ҳисобот истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Бунда уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган Истеъмолчи энергия сарфланиши ҳакидаги ҳисоботда сарфланган энергиянинг (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташкари актив энергиянинг тиғиз, ўрта тиғиз ва тунги даврларда сарфланганини алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлайди.

3.6. Истеъмолчига электр энергиясини етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин шартномавий Энергия миқдори учун юз фоизлик (100%) олдиндан ҳақ тўланганидан сўнг амалга оширилади.

3.7. Энергия сарфланиши ҳақидаги ҳисоботга асосан Корхона ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширади, ҳисоб-фактура ва беш кун ичида тўлаш учун ҳисоб варақасини тақдим этади.

Истеъмолчида ҳар хил тарифларга мансуб бир нечта объектлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи учун ўз тарифи кўрсатилган умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

3.8. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори мазкур Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ электр тармоклари баланс бўйича мансублиги чегаралари ва томонларнинг эксплуатацион жавобгарлиги билан белгиланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш орқали аниқланади ва мазкур Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китобни амалга оширадиган Истеъмолчи учун